



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

2011 йил
30 ноябрь
ЧОРШАНБА

№ 94
(12.418)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

ҚОНУН ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан транспортдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларини қўллашнинг Тошкент шаҳридаги самарадорлигига бағишланган йиғилиш ўтказилди. Унда депутатлар, соҳа раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодийнинг барқарор ривожланишига бағишланган фарононигининг муттасил юксалтиришда ҳам ўз ифодасини топаётганини таъкидлади. Бунинг асосий таъминловчи сони ораётганилигида ҳам қўриш мумкин. Бу эса, ўз навбатида, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги ишларни янада такомиллаштиришни тақозо этаётди. Мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида юзга келадиган муносабатларни бевосита тартибга солишга қаратилган йиғирма бешдан ортиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган.

Маъмур қонун ҳужжатларида фуқаролар ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкни муҳофаза қилиш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида мамлакатимиз ҳудудидagi йўлларда ҳаракатланган ягона тартиб белгиланган. Транспорт воситаси ҳайдовчиларининг, пиедаларнинг, йўловчиларнинг ва йўл ҳаракати иштирокчиларининг умумий вазифалари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари аниқ белгиланган. Амалга олинган келиб чиқиб маъмур ҳуқуқий ҳужжатлар доимо такомиллаштириб боришмоқда.

Жумладан, жорий йил 26 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун ва бошқа қонунлар билан йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги бир қатор ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилди. Бу нафақат транспорт воситаларининг эгалари, ҳайдовчилар, балки давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимларининг ҳам масъулиятини янада оширди.

Транспортдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликка оид қонун ҳужжатларини ҳаётга таъбиқ этиш ва ижросини таъминлаш борасида Тошкент шаҳрида бир қатор ишлар амал-

га оширилмоқда. Жиноят йўли билан йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармасининг тегишли мансабдор шахслари йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги маъмурий ишларни қўриб чиқишда ва тегишли қарорлар қабул қилишда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда қўзда тутилган фуқароларнинг қонун олдида тенглиги, ошқоралик, инсонпарварлик, одиллик ва айб учун жавобгарлигининг муқаррарлиги каби асосий принцип-ларга амал қилимоқда.

Ходимлар малакаси ва масъулиятини ошириш ҳам доимий эътиборда. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари замонавий аниқ техник воситалар билан таъминланган. Тизим фаолияти тўлиқ компьютерлаштирилган. Транспорт воситаларини сақлаш учун вақтинчалик жарима майдонлари ташкил этилган. Йўллар ва йўл иншоотларини қўриш, уларни замонавий талаблар асосида жиҳозлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Буларнинг барчаси пойтахтимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашда ўз самарасини бермоқда. Жумладан, 2011 йилнинг ўн ойи мобайнида Тошкент шаҳрида йўл ҳаракати хавфсизлиги билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар содир этиш ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19 фоиз камайган.

Йиғилишда ютуқлар билан бир қаторда транспортдаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашда айрим камчиликлар ҳам мавжуд эканлигига эътибор қаратилди. Йўл қўйилаётган камчиликларни бартараф этиш, инспекторлар учун маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллаш бўйича семинарлар ўтказиш, соҳа вакилларининг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш бўйича аниқ тақлиф ва тавсиялар берилди.

Н. АБДУРАЙМОВА,
ЎЗА мухбири.

МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ

«Ўзметкомбинат» ОАЖнинг иқтисодий юксалишида ҳал қилувчи аҳамият

"Ўзбекистон металлургия комбинати" очик акциядорлик жамияти сўнгги йилларда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Металлургия йилдан-йилга меҳнат унумдорлигини, маҳсулот сифати ва турини ошира бориб, жаҳондаги турдош корхоналар орасида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлди.

1998 йилда комбинатда 349 минг тонна пўлат эритилиб, 322 минг тонна прокат маҳсулотлари истеъмолчиларга жўнатилган бўлса, 2010 йилда 717 минг тонна пўлат эритилиб, истеъмолчиларга 691 минг тонна прокат маҳсулотлари етказиб берилди. Шу йилнинг якунланган 10 ойида эса 625,2 минг тонна пўлат эритилиб, 605,4 минг тонна прокат маҳсулотлари истеъмолчиларга жўнатилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсишга эришилди.

Металлургиянинг бундай ютуқларга эришишларида комбинатнинг модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш дастури босқичма-босқич муваффақиятли амалга оширилди.



ганлиги муҳим омил бўлмоқда. Шу дастур асосида олиб борилаётган ишлар комбинатнинг иқтисодий-техник тараққиётига, экологик ҳолатининг яхшиланишига, аҳолининг иш билан таъминланишига хизмат қилаётди. Масалан, 2007 йилда 8 минг тонна пўлат сим ишлаб чиқариш қувватига эга цех фойдаланишга топширилиб, 155 та иш ўрни яратилди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш цехида пайвандлаш электродлари тайёрлаш ўзлаштирилиб, 80 киши иш билан таъминланди ва электрод ишлаб чиқариш қуввати минг тоннага етказилди.

1-нави прокат цехида пўлат эришдирилган стани модернизация қилиниб, диаметри 68-120 мм пўлат эришдирилган ишлаб чиқариш йилига 160 минг тоннагача оширилди. Бу республиканинг сановатининг пўлат эришдирилган ошиб бораётган аҳтиёжини қоплаш имкониятини беради.

(Давоми 2-бетда).

Шиддатли замоннинг глобаллашуви жараёни инсон ҳаётидаги тўб ўзгаришларга сабаб бўлмоқда. Жамият тараққиётига ижобий таъсир этувчи бекиб имкониятлар ёки аксинча, инсон ҳаётига раҳна солувчи иллатлар ҳам бу жараённинг ўзига хос

хусусиятларидан. Имкониятлардан оқилон фойдаланиш ёки иллатларнинг олдини олиш шу куннинг долзарб масалаларидан. Айниқса, аҳоли соғлигини ҳимоя қилишдек муҳим вазифа давлатимиз сиёсатида устуворлик касб этади.

ХАВФСИЗ ҲАЁТ УЧУН СИНОВ ЛАБОРАТОРИЯСИ

Ўзбекистонда ишлаб чиқариладиган ҳамда четдан олиб келинадиган маҳсулотларнинг радиациявий хавфсизлиги талабларини жорий этиш ва назорат қилиш – шу соҳадаги муҳим йўналишлардан бири. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Ядро физикаси институти ўтказган давра суҳбати-брифинг айнан шу мақсадга қаратилди.

– Мустақил Ўзбекистонда илм-фан ривожининг янги босқичи бошланганга 20 йилдан ошди, – деди Ўзбекистон Фанлар Академияси Ядро физикаси институти директори, физика-математика фанлари доктори, профессор Умар Солиҳов. – Ўзбекистон илм-фанида эришилаётган ютуқлар халқаро майдонда кенг эътироф этилмоқда. Ушбу тараққиёт-

нинг бош омили бўлган инсон саломадлиги эса, давлатимизнинг доимий муҳофазасида. 2010 йилда қабул қилинган "Санитария қонунлари ва нормалари" меъёрий ҳужжатига бошқа талаблар қатори озик-овқат маҳсулотларининг радиациявий хавфсизлигини аниқлаш ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Унга қўра, озик-овқат маҳсулотларидаги цезий ва стронций радионуклидларнинг микдори аниқлаш зарур. Шу кўнрача бундай таҳлил ўтказиш имконияти фақат Тошкент шаҳридаги на мавжуд эди. Шу сабабли республикада замонавий спектрометрик ўлчов асбоблари билан жиҳозланган ҳамда ядро спектрометрия соҳасида малакали кадрлар фаолият юритиладиган ҳудудий лабораторияларни

ташкил этиш талаби юзга келди.

Ўзбекистон ФА Ядро физикаси институти "Ўзстандарт" агентлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги кўмағида Буюк Британия ҳукумати молиялаштирган Елик ядро Маказлари Хамкорлиги (Closed Nuclear Centers Partnership) халқаро дастурининг лойиҳаси доирасида ташкил этган Радиология синов лабораторияси (ФАЯФИ РСЛ) айнан шу талабга жавоб беради. Унда озик-овқат маҳсулотлари, қурилиш ашёлари, минерал ўғитлар ва емларнинг радиация хавфсизлиги ҳолати аниқланади. Бугунги кунда лабораториянинг учта ҳудудий синов бўлимлари Тошкент, Самарқанд ва Фарғонада ташкил этилган.

Сайёра РАХИМОВА.

8 ДЕКАБРЬ - ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

ҲАЁТИМИЗ ҚОМУСИ



Президентимиз таъкидлаганидек, бугун жамиятимизда қандай ютуқ ва муваффақиятларга эришаётган бўлсак, буларнинг пойдеврида Конституциямиз – ҳаётимиз қомуси турибди.

Конституция инсоният тарихида тараққиётнинг маълум босқичида эгуликнинг разилик, янгиликнинг эскилик, адолатнинг зўравонлик, эркинликнинг ҳақсизлик устидан галабаси сифатида вуждуга келган ҳужжатдир. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн иккинчи қаҳирқўн биринчи сессиясида Ўзбекистон халқи инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети гоёларига содиқлигини тантанали равишда эълон қилиб, ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда, Ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий таърибасига таяниб, демократия ва ижтимоий адолат бўйича тақлифларини ишлаб чиқарди.

Шу билан бирга, маъмур вазифаларни амалга ошириш бўйича адлия идоралари тегишли ваколатлар берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқий муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмининг яратилиши имконияти беради, улар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

Кеча Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигини нишонлаш арафасида Алоқа тарихи музейида Ўзбекистон HD (High-Definition) форматидаги телевидение жорий этишга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.

МДХда ИЛК БОР HD ФОРМАТИДА

2011 йил 21 январь кунини бўлиб ўтган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилнинг энг устувор йўналишларига бағишланган ҳукумат мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2015 йилга келиб бутун республика бўйлаб рақамли телевидениега ўтиш комплекс дастурини амалга ошириш алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Маъмур дастур Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги корхоналари томонидан амалга оширилмоқда. Рақамли телевидениени режалли ва босқичма-босқич жорий этиш ишлари ҳам Тошкентда, ҳам республиканинг барча ҳудудларида давом этмоқда.

29 ноябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигини нишонлаш олдидан МДХ мамлакатлари орасида илк бор HD форматидаги ерусти узатиш телеканалли – "Ўз HD" (Оқроқ сифатли телевидение) фойдаланишга топширилди.

Юқори сифатли телевидение (High-Definition Television, қисқача HDTV) – бу тасвирни замонавий стандартлар асосида қайта ишловчи, стандарт телевидение тасвир ҳажмининг сезиларли даражада оширув-

чи, ранг ва товушни кодлаш бўйича энг янги рақамли стандартлардан фойдаланувчи юқори сифатли телевидение стандартлари тўпламидир. Бундан ташқари, юқори сифатли телевидениеда тасвир ва товушни узатиш учун маълумотлар оқимини сиқийшга асосланган рақамли технологиялар қўлланилади.

HD (High-Definition) форматидаги "Ўз HD" телеканалли Ўзбекистон МТРК Медиамаркази имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида яратилди.

"Ўз HD" телеканалли дастурлар билан бойитиш пост-продакшн тамойили асосида энг яхши тематик дастурлар туркуми ва бир марталик дастурлар, мустақил телеканаллар ва Ўзбекистон МТРК "O'zbektelefilm" ДУК томонидан яратилган маданият, тарих, санъатнинг турли йўналишларига, Ўзбекистоннинг қўришга арзигулки жойлари ва табиғатига бағишланган илмий-оммабоп, ҳужжатли фильмлар, миллий телесериаллар, драматик ва мусикали саҳна асарларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди.

Ўзатиш кечакон-қундуз (24 соаттача) олиб борилади. Ўзатиш турли турли аудиториялар қизиқишларини (ёшга доир ва ижтимоий) ҳисобга олган ҳолда шакллантирилади.

Айни кунларда Конституциямизнинг 19 йиллигини кенг нишонлашга қизгин ҳозирлик қўйилмоқда. Конституция мустақил тараққиёт йўлининг, кенг қўламли ислохотларнинг асоси бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий давлатчилигимизни шакллантиришнинг асосий қондаларини белгилаб берди.

мокротик ҳуқуқий давлат қуришни қўлаб, фуқаролар тинчлиги ва миллий тўтовулини таъминлаш мақсадида, ўзининг муҳтор вакиллари сиймосида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини қабул қилди.

Шу ўринда Конституцияни янада чуқурроқ ўрганиш бугун барчамизнинг фуқаролик бурчимиз эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Чунки, Конституция – ҳуқуқий ҳужжат, унинг мазмун-моҳияти, вазифаси, ҳуқуқий табиати ва меъёриларини чуқур билгандагина, у ҳар биримизга наф келтириши, уни ҳурмат қилишимиз ва у билан фахрланишимиз мумкин.

Конституциямиз мустақиллик маъноси бўлиб, унга халқимиз руҳияти, ахлоқи, маънавияти, иродаси ва орзу-истаклари сингдирилган. Конституцияни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда халқнинг фаол иштироки эътибор, унинг халқчил, инсонпарвар бўлишини назарда тутмоқ жоиздир. Шу маънода айтганда, Конституция халқ ижодкорлиги, дунёқараши, билими маъсули бўлиб, унда мустақиллик гоёларининг акс этиши имкониятини бойитди.

Мамлакатимиз Конституциясини инсон манфаатларини усту қўйиш билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Унда демократик ҳуқуқий давлатларга хос кўппартия-

вийлик, ҳокимиятнинг бўлиниши тамойили, фикрлар хилма-хиллиги, ўзини ўзи бошқарув, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фуқаролар ва жамият олдидаги масъулиги, бозор муносабатлари тамойиллари ва гоёлари мустақамлаб қўйилган.

Маълумки, Асосий Қонун конституциявий давлат тизimini ўрнатиб, унга мос ҳокимият ва уларни амалга оширувчи давлат органлари тизimini белгилайди. Бу, энг аввало, инсон маънавиятини таъминлаш йўлида амалга оширилди. Конституция – фуқароларни ҳар қандай таъий, адолатсизлик, зўравонликдан сақловчи восита. Шунинг учун бундай салбий ҳолатларнинг олдини оладиган Конституциядаги барча қонда ва меъёрларни билишимиз зарур.

Ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бораётган эканимиз, давлат органлари, ҳужалик юритувчи субъектлардан тортиб жамоат бирлашмаларига қадар, мансабдор шахслардан энг оддий фуқарога қадар – ҳаммамнинг ҳеч бир ҳаракати қонунга хилоф ҳолда амалга оширилиши мумкин эмас. Зотан қонун ҳаммамиз учун мажбурий ва ҳар биримиз қонунни ҳурмат қилишимиз, унга тўла итоат этишимиз шарт.

Умид РАСУЛОВ,
адлия бошқармаси
масъул ходими.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ФУҚАРО МАНФААТИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

Биз қонун устивор бўлган демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ҳаракатидамиз. Бу жараёнда давлат идоралари фаолиятида қонунийлик-

ни таъминлаш мамлакатимизни демократик янгилашга қаратилган бугунги босқичдаги саъй-ҳаракатларнинг муҳим йўналишига айланди.

Республика Президентини Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасида таъкидлаганидек, бугунги кунда "... Давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунийлик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатилган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб қилинмоқда".

Маъмур вазифаларини изчил амалга ошириш мақсадида бу йил республика

қуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликнинг сўзсиз таъминланишига оид муҳим масалаларни назарда тутди, – деди Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими бошлиғи Азамат Эгамбердиев. – Адлия вазирлигининг Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари давлат идоралари фаолиятида ханузгача ечимини топмай келадиган муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, ҳуқуқни қўллаш соҳаси устидан назорат тизимини янада такомиллаштириш, мамлакатда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик

жамиятини ривожлантириш Концепциясининг қондаларини изчил амалга ошириш, шунингдек ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қонунийликка қатъий риоя қилинишида Адлия вазирлигининг роли ва ўрнини ошириш мақсадида қўрилаётган аниқ чоралар доирасида ташкил этилди.

– Янги тузилманинг асосий вазифалари нималардан иборат?

– Адлия вазирлиги Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимларининг асосий вазифалари давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмаларининг, шу жумладан, прокуратура идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига ва қонунийликка риоя этилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни самарали ташкил

этиш, ҳуқуқни қўллаш жараёнидаги қонунбузилишларни, суистеъмоликларни ўз вақтида аниқлаш, ҳуқуқни қўллаш, меъёр ижодкорлиги фаолияти мониторингини ва таҳлилларни натижаларига қўра, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш, шунингдек ҳуқуқни қўллаш фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш тизимида аниқланган "оқ доғлар" ўрнини тўлдириш бўйича тақлифларини ишлаб чиқарди.

Шу билан бирга, маъмур вазифаларни амалга ошириш бўйича адлия идоралари тегишли ваколатлар берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмининг яратилиши имконияти беради, улар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил учун
ОБУНА давом этмоқда.
«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
газетаси индекси – 205.



МОДЕРНИЗАЦИЯ ВА ҚАЙТА ЖИҲОЗЛАШ

Комбинатда экологик ҳолатни яхшилаш бўйича қатор тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда чиқиндиларни қайта ишлаш технологиясини мукамаллаштириш ва тозалаш иншоотларини модернизация қилиш учун катта миқдорда маблағ сарфланди.

Уч йил аввал электрда пўлат эритиш цехининг газ чиқиндиларини тозалаш қурилмаси реконструкция қилиниб, ишга туширилди. Бунгача электр печидан чиқаётган газ ва чанг ҳар куб метрда 90 миллиграммдан ошмапти. Бу жаҳон андозалари талабларига тўла мос келади.

Металлургия шлак қолдиқларини қайта ишлаш технологиясини ҳам ўзлаштириб олишди. Ушбу цехда 47 та янги иш ўрни очилди. Қайта ишланиб, майдаланган шлак қолдиқларидан эса, республикамизнинг цемент саноатида, автомобиль йўллари қурилишида ва халқ ҳўжалигининг бошқа соҳаларида фойдаланилмоқда.

Электрда пўлат эритиш цехининг "ДСП-100 УМК" печи трансформаторини алмаштириш орқали модернизация қилинган пўлат эритиш вақтини қасқартириб, электр қуввати сарфи ва маҳсулот таънарини камайтирди. Натижада печда йилга 650 минг тоннагача пўлат эритиш ва қўшимча 663 миллион сўм фойда олиш мумкин бўлди.

Ушбу печнинг насос-аккумулятор станцияси ҳам реконструкция қилинди. Бу йилга қўшимча 46 минг тонна пўлат эритиш, 4655,8 млн. сўмлик графитли электродни тежаш

(Давоми. Боши 1-бетда).

имконини беради ҳамда электр қуввати ва оловга чидамли материаллар сарфини 6 фоизга, жорий таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш харажатларини камайтиради.

2009 йилда "Печь" подстанции электр дастгоҳларини модернизация қилиш ва реле ҳимояси ускуналарини алмаштириш ақунланди. Натижада комбинат электр энергия билан барқарор таъминла-



ниб, аварияларнинг олди олинади. Шунингдек, йилга 2,5 млн. кВт.с электр энергия тежалди, жорий таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш харажатлари камаюди.

2-навли прокат цехида ҳам модернизация, техник ва технология қайта жиҳозлаш бўйича кенг қўламода иш бажарилди. Утган йили цехнинг иккинчи методик печи реконструкция қилингандан сўнг унинг ишлаб чиқариш унумдорлиги соатига 100 тоннадан 120 тоннагача ошди. Йилга 11,6 млн. куб метр табиий газ тежалди, металлнинг ишлаб чиқариш жараёнида йўқотилиш 2 минг тоннага камаюди.

Цехнинг қозон-утилизатори ҳам реконструкция қилиниб, натижада иссиқ-

лик энергияси йўқотилиши ва табиий газ харажати камайтирилди. Реконструкциядан сўнг зарур ҳажмда иссиқлик энергияси олиниб, йилга 852,3 млн. сўм иқтисодий самара кўриш таъминланди.

Комбинатни техник ва технология қайта жиҳозлаш ишлари махсус дастур асосида амалга оширилмоқда. Цех ва бўлинмалардаги эскирган дастгоҳ ва асбоб-ускуналар

надиган тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Жумладан, 2012-2013 йилларда суюқ пўлатни вакуумлаштириш қурилмасини қуриш билан пўлатга комплекс ишлов бериш агрегатини реконструкция қилиш орқали ишлаб чиқариш қуввати оширилди. 2013-2015 йилларда иссиқ ҳолатда тайёрланган чоксиз пўлат қувурлар ишлаб чиқариш йўлга қўйлади.

2012-2014 йилларда 2-навли прокат цехининг "300" станга сим ишлаб чиқариш блоки ўрнатилиб, катанка ишлаб чиқариши бошланади. Шу муддатда иссиқликни сақловчи материалларни базальт асосида вилотнинг ўзида ишлаб чиқариш ташкил этилади. Лойиҳа "Ўзқурилиш-материаллар" АК билан бирга амалга оширилади.

2012 йилнинг тўртинчи чорагида 1-навли прокат цехининг қиздирувчи методик печи реконструкция қилинади. Темир-терсак парчаларига ишлов бериш цехи металлургия қайта ишлашга мослаштирилади.

2013 йилнинг иккинчи чорагида электрда пўлат эритиш цехида пўлат қуйиш қолиплари кесими 200х200 мм.га ўтказиш йўли билан энергия тежовчи технологиялардан фойдаланган ҳолда 3-ўзқисиз пўлат қуйиш машинаси реконструкция қилинади.

Дастурда белгиланган лойиҳаларнинг амалга оширилиши комбинатнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини кучайтириш, таркибий бўлинмаларни модернизация қилиш, техник ва технология қайта жиҳозлашни тезлаштириш ва шу асосда рақобатbardosh маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш, экспорт ҳажмини кўпайтириб, жаҳон бозоридан янада мустақам ўрин олишга хизмат қилади.

Исмаилов МАМАТҚУЛОВ.

ТАДБИР



ИЖТИМОЙ МУҲИТ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИ

Янгийўл туманида маънавий муҳитни соғломлаштириш масалаларига бағишланган тадбир ўтказилди.

Йиғилишда туман ҳокими ўринбосарлари, бўлим бошлиқлари, шаҳарча, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, ҳуқуқ-тартибот идоралари ва аҳолига хизмат кўрсатувчи корхоналар раҳбарлари, халқ депутатлари туман

кенгаши депутатлари иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчилари туманда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, аҳолига кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш,

тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, умуман, халқ хизмати учун масъул раҳбарларнинг масъулиятини ошириш масалалари юзасидан атрофлича фикрлашиб олинди.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари ёшлар ўртасида диний экстремизм, гиёҳвандлик, миссионерлик, эрта турмушга чиқиш ва қариндошлар ўртасидаги

никоҳ ҳамда ОИТС касалига чалиниш оқибатлари ва уларнинг олдини олиш чоралари ҳақида ўз мулоҳаза ва таклифларини баён этишди. Маҳаллалардаги нотинч ва диний ақидалараслик оқимларига мойиллиги бор оилаларга ташриф буюриб, тушунтириш ва тарғибот олиб бориш зарурлиги таъкидланди.

Самад Йўлдош.

АКТЁРЛАР МЕҲМОНДА

Тошкент Давлат Техника университети қошидаги "Компьютер технологиялари" академик лицейида ўқувчи-ёшлар билан театр актрисларининг учрашуви ташкил этилди.

"Ёшлик" талабалар шаҳарчаси ҳокимлиги ва "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ўтказилган учрашувда Ўзбек миллий академик драма театри ҳамда Муқимий номидаги мусикали драма театри актёр ва актрисалари иштирок этди.

Тадбирда Ўзбек миллий академик драма театрининг ўзига хос тарихи, унда ижод қилган эл ардоғидаги санъаткорлар ва уларнинг самаралари ҳаёт йўллари, ахил театр жамоасининг бугунги кундаги иш фаолияти ҳамда янги репертуарлари ҳақида маълумот берилди.

"Туркистон-пресс".

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ

ФУҚАРО МАНФААТИ ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

— Худудий бўлим амалга ошираётган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Адлия вазирлиги Қонунчиликка рияоз этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармасининг вилот худудий бўлими таркибиде 2 та шўба, яъни Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари, прокуратура идоралари фаолиятида қонунчиликка рияоз этилиши устидан назорат қилиш ҳамда Давлат бошқаруви идоралари ва маҳаллий ижро-эҷутичи ҳокимият идоралари фаолиятида қонунчиликка рияоз этилиши устидан назорат қилиш шўбалари ҳудуд бўлиб, ўларда олий юридик маълумотга эга бўлган малакали мутахассислар фаолият юритишмоқда.

Ҳозирги вақтда, худудий бўлим томонидан мамлакатимизда қабул қилинган демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида, шунингдек муҳтарам Ўртбошимизнинг юқорида айтиб ўтилган қарорларида кўрсатилган муҳим вазифаларни самарали амалга ошириш учун зарур чора-тадбирлар белгиланди. Жумладан, вилотдаги давлат бошқаруви ва маҳаллий ижроия ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларини ва қонунчиликка рияоз этилиши устидан мониторинг ва назорат олиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Масалан, худудий бўлим томонидан шу йилнинг фақат август ва сентябрь ойларининг ўзида айрим назорат тузилмаларининг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларининг бузилиши, суистеъмоликлар, давлат идораларининг вазифа ва валолатларини белгилловчи қонун ҳужжатларининг меъёри ва талабларини нотўғри талқин қилишга доир 47 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланди.

Бу қонунбузилишларни ҳамда уларнинг содир эти-

лишига олиб келаётган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чоралар қабул қилиш мақсадида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, кўриб чиқиш учун мутасадид идораларга киритилди. Натижада давлат идораларининг 4 нафар мансабдор масъул ходимига нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида иш қўзғатилди, 3 нафар масъул ходим интизомий жазога тортилди ҳамда ноқонуний қабул қилинган 2 та қарорни бекор қилиш бўйича прокурор протестлари киритилган.

Шу билан бирга, назорат тузилмаларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида ўтказилган таҳлиллар натижаларига кўра, амалдаги қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича етти та таклиф ишлаб чиқилди.

— Фуқаронинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари давлат идораси томонидан бузилган тақдирда, у худудий бўлимга мурожаат қилиши мумкинми?

